



ТЕМИРҲО‘ЛСНИ

Temir yo'llar mamlakatimiz iqtisodiyoti-ning qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan



О‘ЗБЕКИСТОН ТЕМИРҲО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-йил • 2-апрел • payshanba • № 13 (6593)

ҲАМКОРЛИК

“Қозоғистон темир йўли” МК” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Талгат Алдибергенов “Дарбаза” – “Мақтаарал” йўналишида қурилатган темир йўл линиясига хизмат сафари доирасида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Зуфар Нарзуллаев билан учрашди.

ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОҒИСТОН: “ДАРБАЗА” – “МАҚТААРАЛ” ЛИНИЯСИДА ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

“Мақтаарал” станциясида бўлиб ўтган мазкур учрашув юк ташиш натижалари ва чегараолди темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш истиқболларига бағишланди. Учрашувда томонлар ҳамкорликнинг рекорд кўрсаткичларини қайд этдилар. 2025 йил сўнги 10 йилдаги энг яхши йил сифатида қайд этилди, мамлакатлар ўртасидаги юк ташиш ҳажми 32,3 миллион тоннага етгани, бу 2024 йилга нисбатан 16 фоизга кўп эканлиги таъкидланди.



Бундан ташқари, Қозоғистон экспорти ҳам юқори динамикани намойиш этиб, 13 миллион тоннани (+8,5 фоиз) ташкил этгани, Ўзбекистонга дон ташиш эса 32 фоизга ўсиб, 4,5 миллион тоннадан ошгани айтиб ўтилди. Ижобий тенденция 2026 йилда ҳам сақланиб қолаётганлиги, хусусан, дастлабки икки ойда ташиш ҳажми аллақачон 6,6 миллион тоннани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 37,5 фоизга ўсганлиги таъкидланди.

Музокаралар чоғида 2026 йил охиригача юк ташиш ҳажмини янада ошириш бўйича келишувга эришилиб, “Мақтаарал” – “Сирдарё” давлатлараро назорат-ўтказиш пунктига олиб борувчи “Дарбаза” – “Мақтаарал” янги линиясини жадал қуриш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Темир йўл маъмуриятлари раҳбарлари темир йўл ташмаларини ривожлантириш ва инфратузилмани модернизация қилиш, жумладан, замонавий автоматик блоктировкалаш ва марказлаштирилган алоқа тизимларини жорий этиш бўйича маълумот алмашдилар.

Томонлар икки томонлама минтақанинг транзит салоҳиятини мустаҳкамлаш учун ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга келишиб олдилар.

“ҚУМҚЎРҒОН – ҚУДУҚЛИ” ТЕМИР ЙЎЛ УЧАСТКАСИНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ 26-27 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИГА ТАШРИФИ ДАВОМИДА ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН ЙИҒИЛИШДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА МУҲИМ ИНФРАТУЗИЛМА ЛОЙИҲАЛАРИДАН БИРИ – УЗУНЛИГИ 103 КИЛОМЕТРНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ “ҚУМҚЎРҒОН – ҚУДУҚЛИ” ТЕМИР ЙЎЛ УЧАСТКАСИНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИШЛАРИГА РАСМАН СТАРТ БЕРИЛДИ.



Мазкур лойиҳа ҳудудда юк ва йўловчи ташиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, темир йўл инфратузилмасини замонавий талабларга мос равишда модернизация қилиш ҳамда истиқболда тезуорар поездлар ҳаракатини йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

Лойиҳа тақдироти давомида “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Ғ.Мамадалиев томонидан Сурхондарё вилояти ҳокими Улугбек Қосимовга унинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари, амалга ошириш босқичлари ҳамда кутилаётган натижалар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Ташриф якунида вилоят ҳокими нуроний отахонлар иштирокида ушбу йирик инфратузилма лойиҳасига тантанали равишда старт берди.

Мазкур лойиҳа нафақат ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга, балки янги иш ўринларини яратиш, логистика имкониятларини кенгайтириш ҳамда аҳолига замонавий ва қулай транспорт хизматларини кўрсатишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ЙЎЛСОЗЛАР ФАОЛИЯТИДАН

МУДДАТИ ЎТГАН ЁҒОЧ БРУСЛАР ПЎЛАТ БРУСЛАРГА АЛМАШТИРИЛМОҚДА



“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбариятининг 2026 йил учун тасдиқлаб берилган режаси асосида “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиалига қарашли темир йўл участкаларида поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 30 март кунини “Тошкент – Ангрен” темир йўли йўналишининг “Облиқ” – “Ангрен” темир йўл станцияси оралиғи 105+878-километрида жойлашган бирлашган кўприкнинг ёғоч брусларини пўлат брусларига алмаштириш ишлари бошланди.

– Узел таркибидаги темир йўл участкаларида илк бора бундай пўлат бруслар қўйилмоқда, – дейди “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали бошлигининг биринчи ўринбосари Шавкат



Нурматов. – Ушбу металл кўприкни таъмирлаш жараёнида 214 та пўлат ҳамда 80 та ёғоч брус қўйилади. Бу брусларни мустаҳкам қилиб қўйишда 214-сонли йўл машина станцияси ҳамда Тошкент темир йўл масофаси филиали йўл-созлари замонавий ускуналардан фойдаланишмоқда. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар узоқ йиллар давомида мазкур кўприкдан ўтадиган барча поездларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Филиал раҳбарияти бошчилигидаги ишчи гуруҳи томонидан “оқно” вақтида поездлар ҳаракати хавфсизлигини ҳамда меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилинишни таъминлаш ҳамда ишларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилишини назорат қилиш вазифалари олиб борилди.

Келгусида филиалга қарашли бошқа металл кўприкларда ҳам босқичма-босқич муддати ўтган ёғоч брусларни пўлат брусларга алмаштириш кўзда тутилган.

БАҲОРГИ КЎРИК

ТУРИЗМ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ – ТЕМИР ЙЎЛ ТИЗИМИНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, инфратузилма объектларининг техник ҳолатини яхшилаш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳудудларда баҳорги кўрик ишлари изчил давом эттирилмоқда.



Мазкур жараёнлар тизим фаолиятини янада такомиллаштириш, мавжуд камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган муҳим амалий тадбир ҳисобланади.

“Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали бош муҳандиси бошчилигида баҳорги кўриқнинг навбатдаги куни ташкил этилиб, кенг қамровли ўрганиш ишлари олиб борилди. Кўриқ жараёнида барча хизмат хўжаликлари фаолияти комплекс тарзда таҳлил қилиниб, техник ҳолат, ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кўриқ доирасида “Бухоро – Хўжадават” темир йўл участкасида жойлашган станциялар, ишлаб чиқариш хўжаликлари, техник хизмат кўрсатиш объектлари ҳамда инфратузилма иншоотлари ҳолати батафсил ўрганилди. Ҳар бир объект бўйича техник ҳолат, хизмат кўрсатиш сифати ҳамда мавжуд шароитлар жойида кўздан кечирилди.

Кўриқ жараёнида қуйидаги муҳим йўналишлар бўйича ўрганиш ишлари олиб борилди:

- Темир йўл излари, сунъий иншоотлар, кўприк ва қувурлар ҳамда умумий инфратузилма объектларининг техник ҳолати ўрганилди.

- Электр таъминоти ва контакт тармоқлари тизимининг узлуксиз ишлаши ҳамда уларнинг техник созлиги текширилди.
- Сигнализация, марказлаштириш ва алоқа қурилмаларининг ишончилиги ҳамда хавфсиз ишлаш даражаси баҳоланди.
- Ходимлар учун яратилган меҳнат шароитлари, ишлаб чиқариш маданияти ҳамда ижтимоий-маиший шароитлар ўрганилди.
- Меҳнат интизоми, ички тартиб-қоидаларга риоя этилиши ҳамда иш жараёнлари самарадорлиги таҳлил қилинди.



КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

• Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган профилактик ишлар ҳолати кўриб чиқилди.

• Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиниши ва огоҳлантирувчи тадбирлар самарадорлиги ўрганилди.

Текширув давомида аниқланган камчиликлар юзасидан масъул раҳбар ва мутахассисларга аниқ вазифалар белгилаб берилди. Мавжуд муаммоларни қисқа муддатларда бартараф этиш, иш жараёнларини янада яхшилаш ҳамда хизмат сифатини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Баҳорги кўрик ишлари темир йўл инфратузилмасининг барқарор ишлашини таъминлаш, ҳаракат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи муҳим босқич ҳисобланади.

Тизимли равишда олиб борилаётган бундай ўрганиш ва назорат ишлари орқали темир йўл транспортининг ишончилиги оширилиб, йўловчилар ва юк ташвиш жараёнларида юқори хавфсизлик даражасини таъминлашга эришилмоқда.

Ҳаракат хавфсизлиги – бу доимий эътибор, масъулият ва интизом талаб этадиган устувор йўналиш бўлиб, темир йўл тизимининг барқарор ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Тошкент шаҳридан жорий йилнинг илк “Orient Silk Road Express” сайёҳлик поезди тантанали равишда жўнаб кетди.

“ORIENT SILK ROAD EXPRESS” САЙЁҲЛИК ПОЕЗДИ ТОШКЕНТДАН ЙЎЛГА ЧИҚДИ



Ушбу ноёб поезд “ғилдиракдаги меҳмонхона” сифатида эътироф этилиб, 2026 йилги темир йўл туризми мавсумига расман старт берди. Мазкур сайёҳлик поезди “Ўзтемирйўлловчи” акциядорлик жамияти ҳамда Германиянинг “Lernidee Erlebnisreisen” компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Поездда 11 та давлатдан 82 нафар сайёҳ йўлга чиқди. Жумладан: Германия, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Швейцария, Австрия, Австрия, Канада, Люксембург, Сингапур ва Испания.

Саёҳат дастури доирасида меҳмонлар Самарқанд, Хива, Бухоро ва Тошкент шаҳарларига ташриф бўюриб, қуйидаги имкониятлардан баҳраманд бўладилар:

- поездда қулай яшаш шароитлари,
- мазмунли ва бой экскурсия дастурлари,
- Ўзбекистоннинг бетақор тарихи ҳамда бой маданий мероси билан яқиндан танишиш.

Маршрут афсонавий Буюк Ипак йўли бўйлаб ташкил этилган бўлиб, тўртта давлатни ўзаро боғлайди ҳамда саёҳатчиларга унутилмас таассуротлар улашади.

Тур дастури Ўзбекистон ҳудудида 9 кунлик саёҳатни ўз ичига олади. Ушбу рейс 2026 йилда релаштирилган 12 та сайёҳлик поезди қатновининг биринчиси ҳисобланади.

Поезд жўнатилиши тантанали руҳда ўтказилиб, меҳмонларга миллий таомлар тортиқ этилди ҳамда уларга ўзбекона меҳмондўстлик намойиш қилинди.



2026-2028 ЙИЛЛАР УЧУН ЯНГИ ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

“Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали маъмурияти ҳамда Ҳудудий касаба уюшма кўмитаси ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган Жамоа шартномасининг 2025 йил давомида бажарилиши бўйича олиб борилган ишлар ҳисоботи ва 2026-2028 йиллар учун янги Жамоа шартномасини қабул қилиш мақсадида ўзел меҳнат жамоасининг конференцияси бўлиб ўтди.



Конференция ишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудирини Нодира Гаибназарова, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Исоқ Аҳмедов, “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали бош муҳандиси Тўлқин Ҳамраев, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудирини Жамол Валихоновлар ҳамда “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиалига қарашли ташкилотларнинг раҳбарлари, бўлим бошлиқлари ва бошланғич касаба уюшма кўмиталари раислари қатнашдилар.

Конференция кун тартибига куйидаги масалалар кўриб чиқилди:

- I. “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали маъмуриятининг 2023-2025 йиллар учун тузилган жамоа шартномасини бандларининг 2025 йил давомида бажарилиши бўйича олиб борган ишлари ҳақида.
- II. Ҳудудий касаба уюшма кўмитасининг 2023-2025 йиллар учун тузилган Жамоа шартномаси бандларининг 2025 йил давомида бажарилиши бўйича олиб борган ишлари ҳақида.
- III. “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали маъмурияти

ҳамда Ҳудудий касаба уюшма кўмитаси ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган Жамоа шартномаси бандларининг 2025 йил давомида бажарилиши бўйича далолатномаси тўғрисида.

- IV. 2026-2028 йиллар учун “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали маъмурияти ва Ҳудудий касаба уюшма кўмитаси ўртасида тузиладиган янги Жамоа шартномасини қабул қилиш тўғрисида.

Кун тартибига биринчи масала бўйича “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали бош муҳандиси Тўлқин Ҳамраев, иккинчи масала бўйича эса Ҳудудий касаба

уюшма кўмитаси раиси Ибодулло Арсонов маъруза қилдилар.

“Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали маъмурияти ҳамда Ҳудудий касаба уюшма кўмитаси ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган Жамоа шартномаси бандларининг 2025 йил давомида бажарилиши бўйича далолатномасини Ҳудудий касаба уюшма кўмитаси ташкилий ишлар бўйича мутахассиси Нодир Буриев ўқиб эшиттирди.

2026-2028 йиллар учун “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали ҳамда Ҳудудий касаба уюшма кўмитаси ўртасида тузиладиган янги Жамоа шартномасини тузилиши ва унга киритилаётган қўшимча ва ўзгаришлар тўғрисида Ҳудудий касаба уюшма кўмитаси меҳнатни муҳофаза қилиш бош мутахассиси Илҳом Худоёров маълумот берди.



Кун тартибига киритилган масалалар юзасидан музокаралар бўйича сўзга чиққан ходимлар томонидан 2023-2025 йиллар учун тузилган Жамоа шартномаси бандларининг 2025 йил давомида “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали маъмурияти ҳамда Ҳудудий касаба уюшма кўмитасининг олиб борган ишлари “қониқарли” деб баҳоланганлиги, далолатноманинг тасдиқланиши ва 2026-2028 йиллар учун қабул қилинадиган Жамоа шартномаси лойиҳасига киритиладиган қўшимча ва ўзгаришларни инобатга олган ҳолда иш берувчи ҳамда Ҳудудий касаба уюшма кўмитаси томонидан имзоланиши мақсадга мувофиқлиги билдирилганлиги боис “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали меҳнат жамоасининг конференцияси тегишли қарор қабул қилди.



ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

“ТОШКЕНТ – ГУЛИСТОН” ТЕМИР ЙЎЛ УЧАСТКАСИ КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ

“Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиалида баҳорги кўрик давом этмоқда. Филиал раҳбарияти бошчилигидаги ишчи гуруҳи “Тошкент – Гулистон” йўналишидаги барча темир йўл участкаларида бўлдилар.



Кўрик давомида ишчи гуруҳи томонидан йўл, алоқа, электр таъминоти, вагон хўжаликлари, станциялар фаолияти кўриб чиқилди. Темир йўл кесимчалари, станцияларда поездлар ҳаракати хавфсизлигини ҳамда меҳнат муҳофазаси қондаларига риоя қилинишини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўрганилди.

Жойларда станция навбатчилари, хўжаликлар ишчи-ходимлари билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, уларнинг билим ва тажрибаларини янада ошириш мақсадида савол-жавоблар қилинди.

РЕЛЬС МОЙЛАШ УСКУНАСИ ЎРНАТИЛДИ

Жамият бошқаруви раисининг 2026 йил 5 февралдаги “Йўл хўжалиги тизими фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги 59-Н-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида йўл хўжалиги тизимида замонавий технологияларни жорий этиш ишлари давом этмоқда.



Мазкур йўналишда кичик радиусли эгри участкаларда рельс ейилишини камайтириш, йўлнинг хизмат муддатини узайтириш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини ошириш мақсадида Беларусь Республикасидан олиб келинган рельс мойлаш ускунаси ўрнатилди.

Салар темир йўл масофаси филиали худудида “Салар” – “Чукурсой” станциялари оралиғида, 3364-километр ПКЗ тоқ йўлдаги эгри участкага ўрнатилди ва ҳозирда унинг ишлаши назоратга олинган.

Мазкур ускуна Ховос темир йўл масофаси филиали худудида, “Ховос” станциясидаги кичик радиусли эгри участкага ўрнатиш режалаштирилган.

“ТЕРМИЗ” СТАНЦИЯСИДА ИНФРАТУЗИЛМА САЛОҲИЯТИ ОШИРИЛМОҚДА

“Термиз” станциясида поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, юк ва йўловчи ташини жараёнларини жадаллаштириш ҳамда станциянинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш мақсадида қабул қилиш паркинни кенгайтириш бўйича инфратузилма лойиҳаси амалга оширилмоқда.



Мазкур лойиҳа доирасида станциянинг қабул қилиш паркига қўшимча 2 та темир йўл изини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу қурилиш-монтаж ишларининг боришини ўрганиш мақсадида “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Ф.Мамадалиев ҳамда тегишли соҳа раҳбарлари томонидан жойида кўздан кечирилди.

Ўрганиш жараёнида узел раҳбари томонидан қуйидаги муҳим вазифалар белгилаб берилди:

- қурилиш ишларини жадаллаштириш;
- контакт тармоғи, сигнализация ва алоқа тизимларини комплекс тарзда ишга тушириш;
- янги темир йўл изларини белгиланган муддатларда тўлиқ синовдан ўтказиб, эксплуатацияга топшириш.

Таъкидлаб ўтилганидек, мазкур қўшимча йўллар ишга туширилиши натижасида станциянинг поездларни қабул қилиш ва жўнатиш қуввати сезиларли даражада ошади, технологик жараёнлар оптималлаштирилади ҳамда ҳаракат хавфсизлиги янада мустаҳкамланади.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ – УСТУВОР ВАЗИФА!

“Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбари томонидан поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда “Навоий – Бухоро” йўналишидаги электрлаштирилган темир йўл участкасининг иккинчи йўлида тезулар поездлар ҳаракати давомида юзага келиши мумкин бўлган нуқсонларнинг олдини олиш мақсадида кенг қамровли ўрганиш ишлари олиб борилди.

Мазкур жараёнда махсус диагностик лаборатория вағони ёрдамида темир йўл излари батафсил кўриқдан ўтказилди. Бу эса инфратузилманинг техник ҳолатини чуқур таҳлил қилиш ва мавжуд камчиликларни ўз вақтида аниқлаш имконини берди.



Шу билан бир қаторда, узелнинг Рақамлаштириш бўлими мутахассислари томонидан амалга оширилган ишлар ҳам алоҳида эътиборга олинди. Жумладан, “Тинчлик” темир йўл станцияси худудида ўрнатилган ярим вагонларни оғирлигини ўлчовчи статик тарози модернизация қилиниб, унинг имкониятлари кенгайтирилди.

Янгиланган тарози эндиликда бир нечта турдаги вагонларнинг оғирлигини аниқлаш имконини бериб, юк ташини жараёнларининг аниқлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўрганиш давомида мазкур техник воситаларнинг ҳолати узел раҳбари томонидан атрофлича кўздан кечирилиб, келгусида амалга ошириладиган ишлар юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш ва рақамлаштириш орқали ҳаракат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш – бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

“РАҲБАР ВА ЁШЛАР” УЧРАШУВИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 февралдаги ёшлар билан учрашувида, мамлакатимизда ҳар ҳафтанинг пайшанба куни вазирилик, идора ва ҳокимликларда “Ёшлар куни” бўлиши белгиланганлиги муносабати билан “Кўнғирот минтақавий темир йўл узели” филиалида Оролбўйи транспорт прокурори Д.Мадевов, “Кўнғирот минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғининг биринчи ўринбосари А.Палимбетов ҳамда узелнинг Касаба уюшмаси қўмитаси раиси А.Эмбергеновлар бошчилигида “Раҳбар ва ёшлар” учрашуви ташкил этилди.



Унда ёшлар билан очиқ мулоқот олиб берилди ва юзага чиққан муаммолар бартараф этилди.

Тадбирда корхонанинг ёшлар сиёсатига оид режалари, Президент топшириғи ижросини таъминлаш бўйича устувор вазифалар белгиланди.

“ҚАРШИ – МАШЪАЛ” ТЕМИР ЙЎЛ УЧАСТКАСИДА НАЗОРАТ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбари М.Мирзаев томонидан жойларда амалий ўрганиш ва назорат ишлари олиб борилди.



Хусусан, ҳаракат хавфсизлиги ҳолатини ўрганиш ҳамда жойларда олиб борилаётган ишларни кўздан кечириш мақсадида “Қарши – Машъал” темир йўл участкасида 507-диагностика лаборатория вағони ёрдамида кузатув амалга оширилди.

Бундан ташқари, “Машъал” станциясида темир йўл излари, стрелкали ўтказкичлар, светофорлар ҳамда техник хўжатларнинг юритилиш ҳолати бирма-бир ўрганилди. Кузатув жараёнида станцияларда фаолият юритаётган ишчи-ходимлар билан суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг савол ва тақлифлари тингиланди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича филиал раҳбари томонидан тегишли кўрсатмалар берилди.

БАҲОРГИ КЎРИК ДОИРАСИДА

“Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиалида баҳорги кўрик доирасида филиал раҳбарияти бошчилигидаги ишчи гуруҳи “Тошкент – Ангрэн” йўналишидаги барча темир йўл участкаларида бўлдилар.



Кўрик давомида йўл, алоқа, электр таъминоти хўжаликлари, станциялар фаолияти кўздан кечирилди. Темир йўл кесимчалари, станциялар, локомотив бригадаларининг дам олиш жойлари, алоқа ва электр таъминоти, вагон хўжаликларининг бино ва иншоотлари ўрганилиб, поездлар ҳаракати хавфсизлигини ҳамда меҳнат муҳофазаси қондаларига риоя қилинишини таъминлаш борасидаги ишлар ўрганилди.

Шунингдек, станция навбатчилари хўжаликлар ишчи-ходимлари билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, уларнинг билим ва тажрибаларини янада ошириш мақсадида савол-жавоблар қилинди.

Кўрик давомида “Облик” станциясида манзарали кўчатлар экилди.

“БУХОРО” ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИДА ЗАМОНАВИЙ КУТИШ ХУДУДЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛДИ

“Бухоро” темир йўл вокзалида йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва қулайлигини оширишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилмоқда.



Амалга оширилаётган янгиланишлар натижасида вокзал инфратузилмаси тобора замонавий ва шинам кўриниш касб этапти. Аввал вокзал худудида бир вақтинг ўзида ўртача 800 нафар йўловчи учун мўлжалланган кутиш жойлари мавжуд эди. Сўнгги амалга оширилган ишлар натижасида қўшимча 208 та ўрин ташкил этилиб, умумий сигим 1008 тага етказилди. Бу эса йўловчилар оқимини самарали бошқариш ва ортиқча гавжумликнинг олдини олиш имконини бермоқда.

Янгиланган кутиш худудларининг устунликлари, ёзининг жазирама кунларида салқин ва ҳузурбахш муҳит, киш фаслида илиқ, шинам ва қулай шароит, кенг замонавий ва тартибли жойлашув тўғрисида эркин ҳаракатланиш имконияти.

Мазкур янгиланишлар йўловчиларга нафақат қулайлик, балки юқори даражадаги хизмат сифати ва ижобий кайфиятни ҳам тақдим этади.

ВОЛЕЙБОЛ СПОРТ МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ

“Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали Худудий касаба уюшма қўмитаси томонидан корхона ва ташкилотларнинг ишчи-ходимлари (эркаклар) ўртасида спортнинг волейбол тури бўйича мусобақа ўтказилди.

Навоий худуди саралаш мусобақаси Тинчлик кўрғони 9-сонли умумтаълим мактабида ўтказилди. Самарқанд худуди саралаш мусобақаси Самарқанд темир йўл техникумида ўтказилди. Бухоро худуди саралаш мусобақаси Когон шаҳридаги 9-сонли умумтаълим мактабида бўлиб ўтди.

2-босқич финал ўйинларида жами 18 та жамоа, 126 нафар иштирокчи иштирок этди.

Мусобақалар натижаларига кўра, 1-ўринни “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали жамоаси қўлга киритди. 2-ўрин “Зиёвуддин темир йўл масофаси” жамоасига насиб этди. Кучли учликдан “Бухоро вагон эксплуатация участкаси” жамоаси ўрин олди.

Яқиний босқичда 1-2-3-ўринни эгаллаган жамоалар пул муқофоти ва ҳар бир мусобақа иштирокчилари ҳамда ҳакамларига Худудий касаба уюшма қўмитаси томонидан эсдалик совғалари топширилди.



НА ДОРОГАХ МИРА

ШВЕЙЦАРИЯ И ФРАНЦИЯ ПРОДЛИЛИ СОГЛАШЕНИЕ О ПЕРЕВОЗКАХ ПОЕЗДАМИ TGV LYRIA

SNCF Voyageurs – пассажирский оператор в составе Национального общества железных дорог Франции (SNCF) и Федеральные железные дороги Швейцарии (SBB) продлили до 2032 г. действующий договор о сотрудничестве в части эксплуатации высокоскоростных поездов TGV Lyria.



Поезда TGV Lyria следуют по трем основным маршрутам: Париж – Женева, Париж – Лозанна и Париж – Базель – Цюрих. В летний сезон вводится в обращение поезд между Лозанной (через Женеву) и Марселем. Начиная с 2026 г. он будет курсировать ежедневно в июле и августе, а в апреле, мае, июне, сентябре и октябре – с четверга по понедельник.

В 2025 г. поезда TGV Lyria перевезли 5,7 млн чел. Ежедневно в обоих направлениях между Францией и Швейцарией этими поездами по трем основным маршрутам осуществляется 17 рейсов, что обеспечивает для пассажиров 18 тыс. мест. Максимальная скорость движения TGV Lyria – 320 км/ч, а время в пути составляет от 3 до 4 ч.

Для удовлетворения растущего спроса на международные поездки SNCF Voyageurs и SBB изучают возможности продления существующих и создания новых прямых трансграничных маршрутов не только из Швейцарии во Францию, но и в другие страны.

ALSTOM ОБНОВИТ АВТОМАТИЗИРОВАННУЮ ТРАНСПОРТНУЮ СИСТЕМУ В АЭРОПОРТУ ХЬЮСТОНА

Компания Alstom выбрана исполнителем контракта стоимостью 380 млн евро, который предусматривает модернизацию автоматизированной пассажирской транспортной системы (APM) Skyway в международном аэропорту имени Джорджа Буша в Хьюстоне. Линия протяженностью 1,1 км с четырьмя станциями связывает пять терминалов аэропорта и обслуживает до 48 млн пассажиров в год.



Контракт охватывает строительство нового диспетчерского центра, обновление систем управления движением поездов и связи, поставку 16 новых вагонов Innova APM R, модернизацию платформенных дверей во всех терминалах, а также продолжение эксплуатации и технического обслуживания APM в течение 15 лет.

В апреле 2021 г. с Alstom был подписан 10-летний контракт стоимостью 87 млн евро на эксплуатацию и содержание объектов инфраструктуры, средств сигнализации и подвижного состава этой транспортной системы.

ПОЕЗДА ОПЕРАТОРА LEO EXPRESS БУДУТ КУРСИРОВАТЬ МЕЖДУ ПРАГОЙ И МЮНХЕНОМ

Частный оператор Leo Express выиграл проведенный Минтрансом Чехии тендер на выполнение пассажирских перевозок в течение 5 лет по трансграничному маршруту Прага – Пльзень – Регенсбург – Мюнхен. С 13 декабря 2026 г. предусмотрено восемь рейсов ежедневно в каждом направлении с двухчасовым интервалом, стоимость билетов стартует от 9 евро. Leo Express предложил в ходе тендерных торгов наименьшую цену – 427 млн чеш. крон (17,4 млн евро) без учета платы за пользование инфраструктурой.

Чешский перевозчик намерен задействовать на этом маршруте поезда локомотивной тяги, рассчитанные на скорость движения до 200 км/ч. Подвижной состав получен от Renfe – национального оператора железных дорог Испании, который является стратегическим партнером Leo Express. Модернизированные вагоны оборудованы кондиционерами, Wi-Fi, электрическими розетками для подзарядки мобильных устройств и аудиовизуальной системой. В салонах предусмотрены места для маломобильных пассажиров в инвалидных креслах, детских колясок и велосипедов. Тягу поездов обеспечат многосистемные электровозы.

Leo Express с 1 марта 2026 г. продлил трансграничный маршрут Прага – Краков (Польша) до Варшавы и увеличил число рейсов между Прагой и Краковом. В июне 2026 г. оператор намерен приступить к коммерческим перевозкам на условиях открытого доступа к инфраструктуре еще по одному трансграничному маршруту – Прага – Дрезден – Лейпциг – Эрфурт – Франкфурт-на-Майне.



ШИФОКОР МАСЛАХАТИ

Менингит – инсон ҳаёти учун хавфли бўлган, мия ва орқа мия қобиқларининг яллиғланиши билан кечувчи оғир ва ўта юқумли касалликдир. Касаллик бактериялар, вируслар ёки кам ҳолларда замбуруғлар таъсирида юзага келади.

МЕНИНГИТ КАСАЛЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ЭМЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Айниқса, бактериал менингит жуда тез ривожланади ва ўз вақтида даволанмаса оғир асоратлар ёки ўлимга олиб келиши мумкин. Менингит касаллигининг ривожланишида энг кенг тарқалган юқиш йўли – ҳаво-томчи йўли. Яъни касаллик юқиши учун беморнинг сиз томонга қараб аксиришининг ўзи етарли бўлади.

Маиший турмушда бемор ёки касаллик ташувчиси билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш, умумий идишлар, сочиқ, тиш чўткаси, озиқ-овқатни ювилмаган кўл билан ейиш, сабзавот, мева, кўкатлар ва ҳоказоларни ювмасдан истеъмол қилиш касалликка олиб келиши мумкин. Шунингдек, менингит кўзгатувчилари қон орқали юқиши ҳам мумкин. Бемор организмдаги инфекциянинг мавжуд ўчоқлардан қон орқали мия қобиғига тарқалиши менингитга олиб келади.



Инфекция оғиздан ҳам ўтади. Мисол учун, менингит кўзгатувчилари билан ифлосланган сувни ютиш (сув ҳавзаларида, дезинфекция қилинмаган бассейнларда) натижасида ва ҳоказо.

Менингит касаллиги қисқа вақт ичида авж олади. Беморда юқори ҳарорат, бош оғриғи, қайт қилиш, бўйин қотиши, ёруғликка чидамсизлик, танада қизил тошмаларнинг тошиши каби белгилари пайдо бўлади. Бундан ташқари, бош чидаб бўлмас даражада оғрийди. Бу оғриқ баъзан бўйинга ҳам тарқалади. Шундан бемор бошини орқага қайриб ётиб қолади, энса мушаклари қаттиқлашади. Болаларда эса безовталиқ, йиғлоқлик ва уйқучанлик кузатилади. Касаллик асоратлари сифатида эшитиш қобилиятининг пасайиши, неврологик муаммолар ва ногиронлик ҳолатлари юзага келиши мумкин.

Менингитнинг олдини олишда эмлаш (вакцинация) энг ишончли ва самарали чора ҳисобланади. Вакциналар инсон организмда иммунитет ҳосил қилиб, касалликнинг олдини олишга ёрдам беради.

2 ёшдан катта бўлган болалар, мактаб ва боғча ёшидаги болалар, талабалар ва ётоқхонада яшовчилар, иммунитетни паст шахслар ҳамда тиббиёт ходимларига, шунингдек, эпидемиологик вазият ёмонлашган ҳудудларда яшовчи аҳолига ҳам эмлаш тавсия этилади. Албатта, шу кўзгатувчиларнинг юқиш хавфи бўлганида беморнинг яқин кишилари ҳам эмланиши зарур. Эмлаш бир қатор вирус ва бактериялардан ҳимоя қилади.

Замонавий вакциналар халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, хавфсиз ва самарали ҳисобланади. Эмлашдан кейин энгил ҳолатидаги ёки ҳарорат кўтарилиши кузатилиши мумкин, аммо бу ҳолатлар қисқа муддатли бўлиб, жиддий асоратларга олиб келмайди. Аҳолини ўз вақтида эмлаш орқали нафақат шахсий, балки жамоат саломатлигини ҳам ҳимоя қилиши мумкин.

Эмлашдан ташқари, менингитнинг олдини олишда куйидаги санитар-гигиеник тадбирларга амал қилиш, яъни шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, кўлларни тез-тез ювиш, хона-жойларни шамоллатиб туриш, беморлар билан яқин алоқани чеклаш, иммунитетни мустаҳкамлаш (тўғри овқатланиш, витаминлар қабул қилиш) муҳим.

Шунингдек, санитария-эпидемиология хизмати томонидан менингит ҳолатлари доимий назорат қилинади. Касаллик аниқланган ҳолатларда бемор изоляция қилинади, мулоқотда бўлган шахслар текширилади, дезинфекция ишлари олиб борилади.

Аҳоли томонидан профилактика чораларига бепарволик қилиш эпидемиологик вазият ёмонлашишига олиб келиши мумкин.

Менингит – жиддий ва хавфли касаллик бўлишига қарама-қарши, унинг олдини олиш имкони мавжуд. Вақтида эмлаш, санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш ва тиббий кўриқдан ўтиб туриш орқали ҳар бир инсон ўз саломатлигини ҳимоя қилиши мумкин.

Н. МУСАЕВА,

“Темир йўл ижтимоий хизматлар” МЧЖ
Марказий СЭС филиали
Эпидемиология бўлими мудир



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти,
Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси
Республика Кенгаши

ЭРКИН РАМАЗОНОВ:

“МИЛЛИЙ МАҚОМ САНЪАТИ РУҲИДА ТАРБИЯ ТОПДИК”

МОҲИР НАЙ СОЗАНДАСИ ЭРКИН РАМАЗОНОВ 1987 ЙИЛ 30 ИЮЛДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ УЗУН ТУМАНИДА ТАВАЛЛУД ТОПГАН. МУСИҚА САНЪАТИГА БЎЛГАН ЧЕКСИЗ МЕҲР УНИ ПОЙТАХТГА ЕТАКЛАБ КЕЛДИ ВА У 2010 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТАМОМЛАДИ.

Ижодий фаолиятини талабалик давридаёқ, яъни 2007 йилда Темирйўлчилар маданият саройида бошлаган санъаткор, ушбу даргоҳда 16 йил давомида созанда сифатида самарали меҳнат қилди. Унинг ижро маҳорати нафақат юртимизда, балки халқаро миқёсда ҳам юксак эътироф этилган: Эркин Рамазонов 2020 йилда Юнус Ражабий номидаги Мақом фестивалининг Гран-при соҳибига айланди.

Бугунги кунда маҳоратли созанда Юнус Ражабий но-



мидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтида ёш авлодга устозлик қилиб келмоқда. У ўз фаолияти давомида Камолитдин Рахимов, Шерали Жўраев, Отабек Муҳаммадзоҳид, Гулсанам Мамазойтова каби устоз санъаткорлар, шунингдек, Шаҳриёр, Шоҳжаҳон Жўраевлар каби ёш ижрочилар билан яқин ижодий ҳамкорликда бўлиб келаётган профессионал ижодкордир.

Оилада меҳрибон ота, 3 нафар фарзанднинг тарбиячиси ва самимий инсон бўлган най ижрочиси Эркин Рамазонов билан суҳбатлашдик.

– Най чолғусини танлашингизга нима сабаб бўлган? Кимнинг йўл-йўриғи билан бу соҳага кириб келгансиз?

– Ростини айтсам, найни ўзим танламаганман. Оиламизда санъатга, мусиқага бўлган қизиқиш волидамда кучли эди. Бир куни онам уйимиз яқинида мусиқа мактаби очилганини айтиб, мени ўша ерга етаклаб бордилар. У ерда Шукуров фамилияли устозимиз: “Ҳозир най йўналишида мутахассислар камроқ, шу болангизни най синфига қўйсангиз, деган таклифни берганлар. Бошида товуш чиқариш, пар-

даларни тўғри босишда бироз қийналдим. Аммо вақт ўтиб, соз тилга киргач, унга нисбатан муҳаббатим уйғонди. Шу тариқа бу касбга астойдил боғланиб қолдим.

– Сизнинг ижодингизда миллий мусиқа ва замонавий йўналишлар ўзаро уйғунлашган. Бу икки хил



оламни қандай бирлаштирасиз?

– Мусиқани уйғунлаштириш учун, аввало, унинг ичида яшаш керак. Биз миллий мақом санъати руҳида тарбия топдик, вояга етдик. Шу билан бирга, замонавий йўналишларни ҳам ижро этиб кўрдик. Тан олиш керак, ижро нуқтаи назаридан замонавий мусиқалар миллий куйларимизга қараганда анча энгил ва соддароқ. Буларни бир-бирига чамбарчас боғлаш учун созандадан катта маҳорат ва ҳар бир йўналишнинг табиатини чуқур ҳис қилиш талаб этилади.

– Най чалишнинг ўзига хос қийинчиликлари ва сирлари нимада?

– Най шундай асбобки, уни бутун вужудингиз билан чаласиз. Соч толасидан тортиб оёқ учигача – танангизнинг ҳар бир аъзоси ишлайди. Биринчи навбатда, чолғу соз бўлиши шарт. Иккинчидан, ижрочи

жисмонан ва руҳан дам олган, тетик бўлиши керак. Пуфлама чолғуларнинг ҳаммаси мураккаб, лекин най ижрочидан бор куч ва диққатни талаб қилади. Кичик бир эътиборсизлик ҳам “фальш” кетиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

– Ҳаётингизда содир бўлган хатоларингиздан қандай хулоса чиқарасиз?

– Мен хатолардан тўғри хулоса чиқаришга ва улардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан. Агар одам ҳеч

қачон хато қилмаса, ҳамма ишим тўғри деб ўйлаб, адашиб қолиши мумкин. Шунинг учун инсон гоҳида қоқилиши ҳам керак, деб ҳисоблайман. Ҳар сафар уйда ёлғиз қолганимда, қилган ишларимни таҳлил қиламан, қаерда хатога йўл қўйганимни ўйлаб, унинг устида ишлайман.

– Вақт ўтиши билан ижодга, ижодга бўлган қарашларингиз қай даражада ўзгарди?

– Кузатишимча, вақт ўтиб маҳорат ошгани сари одамнинг қарашлари ҳам ўзгарар экан. Бугунги кунда ижрочилик мактабида миллийлик бироз оқсаётгани, устозлар олдидаги самимият камайиб бораётгани мени бироз ўйлантиради. Аммо ишонаманки, вақт барибир ҳамма нарсани ўз жойига қўяди. Ҳақиқий ижрочилар жамиятда ўз ўрнини топади. Бунинг учун касбга нисбатан фидойи бўлиш шарт.

– Сиз узоқ йиллар Темирйўлчилар маданият саройида фаолият юритгансиз. У ердаги муҳит ва тадбирлар ҳақида нималарни эслайсиз?

– Ушбу даргоҳда 16 йил ишлаб, жуда катта тажриба тўпладим. Фаолиятим давомида кўплаб стратегик аҳамиятга эга бўлган темир йўл объектлари, масалан, “Тошғузур – Бойсун – Қумқўрғон”, “Ангрен – Поп” каби йирик лойиҳаларнинг очилиш маросимларида қатнашганман. Темирйўлчилар санъатини, айниқса, жонли ижрони қадрлайдиган самимий инсонлар. Уларнинг олқиши бизга доим куч бағишлаган.

– Ўзбекистон темир йўллари соҳасининг бугунги ривож ҳақида нима дея оласиз? Илк марта поездга чиққангизни эслай оласизми?

– Поездга биринчи марта қачон чиққанганимни аниқ эсломайман, лекин соҳадаги ўзгаришлар кўз олдимизда содир бўлмоқда. Юқори тезликда ҳаракатланувчи “Афросиёб” электропоездлари, яқинда Хивага йўлга қўйилдиган “Жалолитдин Мангуберди” поездлари – буларнинг барчаси халқимиз учун катта қулайлик. Юртимиз тинч бўлсин, биз санъаткорлар эса темирйўлчиларимиз учун хизмат қилишдан қарчамайлик.

Аваз ОМОНОВ
суҳбатлашди

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусаҳҳиҳ –
Умида ТҮЙЧИБОЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш.,
Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.

Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)

Қабулхона: (71) 236-48-92

Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0139-рақам
билан 2007 йил 11 январда рўйхатга
олинган.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-434

Босишга топширилди: 19:30

1 2 3 4 5 6